

**ШАРОФ РАШИДОВ НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.01.2020.Ped.02.06 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ

ЛУТФИЛЛАЕВ УЛУҒБЕК МАХМУДОВИЧ

**ВЕБ-ИЛОВА ДАСТУРИДА ЯРАТИЛГАН ВИРТУАЛ РЕСУРСЛАР
АСОСИДА ОЛИЙ ТАЪЛИМ ЎҚУВ ЖАРАЁНИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

13.00.06 - Электрон таълим назарияси ва методикаси

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертация автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Лутфиллаев Улуғбек Махмудович

Веб-илова дастурида яратилган виртуал ресурслар асосида олий таълим ўқув жараёнини такомиллаштириш 3

Лутфиллаев Улуғбек Махмудович

Совершенствование учебного процесса высшего образования на основе виртуальных ресурсов, созданных посредством программ веб-приложений 25

Lutfillayev Ulugbek Makhmudovich

Improving the higher education educational process based on virtual resources created in web applications 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 51

**ШАРОФ РАШИДОВ НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.01.2020.Ped.02.06 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ

ЛУТФИЛЛАЕВ УЛУҒБЕК МАХМУДОВИЧ

**ВЕБ-ИЛОВА ДАСТУРИДА ЯРАТИЛГАН ВИРТУАЛ РЕСУРСЛАР
АСОСИДА ОЛИЙ ТАЪЛИМ ЎҚУВ ЖАРАЁНИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

13.00.06 - Электрон таълим назарияси ва методикаси

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.3.PhD/Ped3808 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат чет тиллар институтида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (<http://samdu.uz/ixtisoslashgankengashlar>) ва "ZiyoNET" ахборот-таълим порталида (www.ziyo.net.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Арипов Мерсаид Мирсиддиқович Физика-математика фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Муминов Баходир Болтаевич техника фанлари доктори, профессор Файзиёва Махбуба Раҳимжонова педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Ётақчи ташкилот:	Фарғона давлат университети

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD. 03/30.01.2020.Ped.02.06 рақамли илмий кенгашнинг 2022 йил "7" сентябр куни соат 10:00 да мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 140104, Ўзбекистон, Самарқанд, Университет хиёбони кўчаси, 15-уй. Тел.: (99866) 239-15-23, факс: (99866) 239-15-53, e-mail: devonxona@samdu.uz)

Диссертация билан Самарқанд давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (75 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140104, Ўзбекистон, Самарқанд, Университет хиёбони кўчаси, 15-уй. Тел.: (99866) 239-15-23

Диссертация автореферати 2022 йил «25» август куни тарқатилди.
(2022 йил «25» август даги 4 рақамли реестр баённомаси.)



[Signature]
Х.И.Ибраимов
Илмий даражалар берувчи Илмий
Кенгаш раиси, педагогика фанлари
доктори, профессор.

[Signature]
Ш.Р.Урақов
Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш илмий котиби, фалсафа
доктори (PhD) пед.ф.б.

[Signature]
Н.Ш.Шодиев
Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, педагогика фанлари доктори,
профессор.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда таълим тизимини сифат жиҳатидан ислоҳ қилиш, олий таълимга инновацион технологиялар, илғор хорижий тажрибалар, ахборот технологияларини кенг жорий этиш, жаҳон стандартларига жавоб бера оладиган юқори малакали

мутахассислар тайёрлаш йўналишларида илмий изланишлар олиб боришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шунинг билан бир қаторда, ахборот – коммуникацион технологияларни таълим жараёнига татбиқ қилиш негизида веб-иловаларнинг турли жараёнларга дастурий таъминот сифатида сингдирилиши ва мазмунини ривожлантириш рақамли таракқиётнинг ҳозирги даврида тадқиқотчилар эътиборини доимий равишда жалб қилиб келмоқда. Дунёдаги ривожланган мамлакатлар таълим тизимида веб-иловаларнинг мазмуни, шаклланиши ва ривожланиш қонуниятларини тавсифлашда маълум воситалардан фойдаланувчиларнинг тафаккур қобилиятини инобатга олиш зарурлиги тўлиғича эътироф этилмоқда. Аммо, веб-иловалардан самарали фойдаланишга бевосита таъсир кўрсатадиган виртуал ресурсларнинг функционал-семантик мазмунини аниқлаш зарурати сақланиб қолмоқда. Узатилаётган ахборот мазмунига виртуал ресурс сифатида шакл ва мазмун бериш жараёнида унинг ташқи ва ички омилларига эътибор қаратиш лозим. Ушбу омилларни ажратиш ва илмий жиҳатдан тавсифлаш веб-илова дастурларининг долзарб вазифаларидандир. Ахборот–коммуникацион технологиялар соҳасидаги ислохотларни амалга ошириш жараёнида веб-иловалар дастурий таъминоти ҳам қатор афзалликлар яратиш билан инсон омилининг иштирок этиш жараёнларини камайтириш борасида бир қатор вазифалар кўйилмоқда.

Мамлакатимизда ахборот–коммуникацион технологиялар йўналишини назарий асослари тадқиқи ҳамда ушбу изланишлар натижаларини узлуксиз равишда ўқув жараёнига жорий этиш амалиётига татбиқ қилиш масаласи барчанинг эътиборида турибди. Ахборот – коммуникацион технологиялар йўналишини пухта эгаллаш, ҳамкорлик алоқаларини чуқурроқ ёйиш ҳамда ривожланишига замин яратиш Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегиясида “Илмий тадқиқот ва инновацион фаолиятини рағбатлантириш, илмий ва инновацион ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш, олий ўқув юртлари ва илмий тадқиқот институтлари ҳузурида ихтисослаштирилган илмий-экспериментал лабораториялар, юқори технология марказлари ва технопаркларни ташкил этиш”¹ масалаларининг устувор стратегик йўналиши сифатида белгилаб қўйилган. Бу эса, ахборот–коммуникацион технологиялар соҳасида ҳам илмий изланишлар кўламини кенгайтиришга кенг имкониятлар яратади. Ахборот–коммуникацион технологияларнинг асосий воситаларидан бири компьютер имитацион моделларини ўқув жараёнининг барча босқичларига татбиқ этиш аниқ, табиий ва ижтимоий-гуманитар фанларни виртуал ўқитиш имкониятини кенгайтиради. Шунингдек, таълим муносабати иштирокчилари учун маблағ тежалиши, экологик тоза муҳитда мустақил шуғулланишга имконият яратилиши, хавфсиз фойдаланишда афзаллиги, таҳсил олувчиларда ўқув жараёнига бўлган қизиқишини ҳамда илмий-тадқиқотларга бўлган мотивациянинг ошиши билан тавсифланади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон фармони.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харажатлар стратегияси тўғрисида”, 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”, 2018 йил 19 февралдаги ПФ-5349-сон “Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш тўғрисида”, 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сон “Олий таълим муассаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари ҳамда ва мазкур фаолиятга тегишли бошқа меърий ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Компьютер имитация усуллари таълим жараёнига татбиқ қилиш муаммолари устида ўзбек олимлари М.М.Арипов, Ф.М.Закирова, Н.Тайлақов, А.А.Абдукодиров, М.Ҳ.Лутфиллаевлар изланиш олиб боришган².

МДҲ мамлакатлари олимлари Ю.Н.Павловский, Н.В.Белотелов, Ю.И.Бродский, М.В.Власов, А.С.Акопов, Н.Н.Лычкина, Е.Н.Гусева, М.В.Ядровская, Т.В.Чернякова, В.С.Тимченко, Н.Н.Майоров, Ю.В.Берчун, И.В.Кукушкин, В.М.Лебедев, М.Ю.Барбашин, Е.В.Константинов, Р.Ю.Лопаткин, Р.Шаннон, Т.Ж.Шрайбер, Н.П.Бусленко, С.А.Яковлева, В.М.Глушкова, Е.А.Бабкина, Ю.И.Рижикова ва бошқаларнинг илмий ишларида компьютер ёрдамида дарс беришга қодир мутахассисларни ўқитиш ва ўқитиш жараёнида янги ахборот технологияларидан фойдаланишнинг дидактик ва услубий асосларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш масалалари таҳлил қилинган³.

²М.М.Арипов, М.Х.Лутфиллаев. Информатика ва ахборот технологиялари. –Тошкент: Университет 2017. – 139 б; Ф.М.Закирова. Информатика и информационные технологии.- Ташкент: 2007. – 176 б; А.А.Абдукодиров. Бошланғич таълимда информатика элементларини ўқитиш методикаси. –Тошкент: 2016. – 72 б; Н.Тайлақов, Р.Ҳамдамов, У.Бегимқулов. Таълимда ахборот технологиялари. –Тошкент: 2010. – 120 б;

³Ю.Н.Павловский, Н.В.Белотелов, Ю.И.Бродский Имитационное моделирование. –Москва: Академия, 2008. – 220 с; А.С.Акопов Имитационное моделирование. –Москва: Издательство Юрайт, 2014. –389 с; Н.Н.Лычкина Имитационное моделирование экономических процессов. – Москва: 2005. –164 с; Т.В.Чернякова. Методика обучения работе с пользователями информационных систем. – Екатеринбург: РГППУ, 2011. – 81 с

Хориж олимларидан Joseph V.Cohn, David J.Combs, Antonio Anglero Jr, Brian R. Johnson, Charles E. Cunningham, Ken Deal, Alan Neville, Heather Rimas ва бошқаларнинг илмий тадқиқотларида имитацион моделларни яратиш, уларнинг структуравий-функционал таркиби, КИМ асосида ўқитишда интерфаоллик тамойилларига асосланган таълим жараёнини ташкил этиш муаммолари тадқиқ қилинган⁴.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат чет тиллар институтида “ОТ – Атех -2018-519 “Компьютер имитацион моделлар асосида виртуал ресурслар Web - иловасини дастурий таъминотини яратиш” мавзусидаги илмий-тадқиқот йўналиши доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади веб-илова дастурида яратилган виртуал ресурслардан фойдаланиб олий таълим муассасалари ўқув жараёнини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

веб-илова дастури асосидаги виртуал ресурсларни компьютер имитацион моделлардан фойдаланиб ўқитиш технологияларини аниқлаштириш;

фрейм технологиялари асосида веб-иловалар дастурий таъминотининг (билимлар базаси, берилганлар базаси, педагогнинг шахсий кабинети, талабанинг шахсий кабинети, тест назорат саволлари) тузилмаларини ишлаб чиқиш ва босқичларини аниқлаштириш;

веб-илованинг тузилмаси асосида унинг алгоритмини ва дастурий таъминотини ишлаб чиқиш ва “Одам ва ҳайвонлар физиологияси”, “Ўсимликлар физиологияси” виртуал ресурсларни яратишда талабаларнинг мустақил фикрлаш, касбий фаолиятга тайёрлик, ижодий ташаббус каби омилларини ривожлантириш босқичларини такомиллаштириш;

“Одам ва ҳайвонлар физиологияси”, “Ўсимликлар физиологияси” виртуал ресурсларни веб-иловалар дастури асосида ўқув жараёнига жорий этиш учун квалиметрик метод асосида математик формулалар ишлаб чиқиш ва тажриба-синовдан ўтказиш.

Тадқиқотнинг объекти олий таълим муассасаларида веб-илова дастурий таъминотидан фойдаланиб, таълим самарадорлигини ошириш жараёни белгиланган бўлиб, унда Фарғона, Андижон ва Наманган ҳамда Самарқанд давлат университетларининг 747 нафар 3-босқич талабалари респондент сифатида жалб қилинган.

Тадқиқотнинг предмети олий таълим муассасаларида веб-илова дастурий таъминотидан фойдаланиб компьютер имитацион моделлари

⁴ Joseph V. Cohn, David J. Combs, Antonio Anglero Jr, Brian R. Johnson Medical Modeling and Simulation Based Training Return on Investment Decision Mode – Berlin: Heidelberg, 2013. – 147 б; Charles E. Cunningham, Ken Deal, Alan Neville, Heather Rimas Modeling the Problem-based Learning Preferences of McMaster University Undergraduate Medical Students Using a Discrete Choice Conjoint Experiment – German. 2006. – 20 б.

ёрдамида яратилган ресурслар асосидаги ўқув жараёнининг мазмуни, шакллари ва воситалари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот давомида тизимли ёндашув–тадқиқот объектининг яхлитлигини ёритиб бериш, анъанавий–электрон ахборот виртуал ресурс яратишнинг моделлари ва технологиялари; моделлаштириш – математик моделлаштириш, компьютер имитацион моделлар; тадқиқотда соҳага доир илмий, ДТС, ўқув дастури, дарслик ва илмий-методик адабиётларни қиёсий-танқидий ўрганиш ва таҳлил қилиш, социологик-педагогик (кузатиш, суҳбат, анкета, сўровнома) усуллар; педагогик тажриба-синов; натижаларни математик-статистик таҳлил этиш ва умумлаштиришдан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

веб-иловалар дастурий таъминоти тузилмалари (билимлар, берилганлар базалари, педагогнинг шахсий кабинети, талабанинг шахсий кабинети) булутли (GoogleDrive, OneDrive, Dropbox Mega) технологиялар имплементацияси воситасида табиий фанлар йўналишидаги “Одам ва ҳайвонлар физиологияси”, “Ўсимликлар физиологияси” ўқув курслари мазмунан такомиллаштирилган;

веб-илованинг дастурий таъминоти “Энг қисқа йўл”, “Кесилган дарахт” каби фрейм технологиялари воситасида ишлаб чиқилган билимлар базаси, назорат саволларига устуворлик бериш асосида такомиллаштирилган;

“Одам ва ҳайвонлар физиологияси”, “Ўсимликлар физиологияси” ўқув курслари бўйича яратилган виртуал ресурслардан фойдаланиб маъруза, амалий ва лаборатория машғулотларини ташкил этишнинг конвергент (интеллектуал фикрлаш) ва дивергент (ижодий фикрлаш) методикалари аниқлаштирилган;

компьютер имитацион моделлардан фойдаланиб ўқитиш технологиялари воситасида ўқув жараёнини Веб-илова дастури виртуал ресурслари (электрон кутубхона, Google Apps булутли технологияси, медиа таълим ва виртуал таълим) визуаллаштириш ва масофадан таълим олиш асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари:

Электрон таълим назарияси ва методикаси веб-иловалардан фойдаланиб, компьютер имитацион моделларини таълим жараёнига татбиқ қилиш мазмуни бойитилган;

“Одам ва ҳайвонлар физиологияси”, “Ўсимликлар физиологияси” ўқув фанларининг ҳар биридан 18 тадан жами 36 та компьютер имитацион моделлар ишлаб чиқилган;

компьютер имитацион моделлар асосидаги виртуал ресурсларни веб-иловалардан фойдаланиб ўқитиш технологияларини лойиҳалаштириш босқичлари (концептуал, технологик, операцион) контекстидаги тамойиллар

асосида такомиллаштирилган ва “Ўқув жараёнида компьютер имитацион моделлар” номли монография яратилган (Германия: Лап-Ламберт, 2020 й.);

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Электрон таълим назарияси ва методикасидаги методологик назарий қарашлар, ёндашувлар, муаммони ҳал қилишнинг таянч усулларига мурожаат қилган ҳолда амалга оширилганлиги, ваколатли идоралардан ишончли далолатномалар олинганлиги, чиқарилган хулосаларнинг қаътийлиги, қўлланилган тамойиллар ва методлар ҳамда уларнинг назарий асослари билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти электрон таълим назарияси ва методикаси мазмуни назарий ғоялар, қарашлар билан бойитилганлиги, компьютер имитацион моделлар асосидаги виртуал ресурсларни веб-иловалардан фойдаланиб ўқитиш технологияларини такомиллаштириш босқичлари назарий қарашлар асосида исботланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти “Одам ва ҳайвонлар физиологияси”, “Ўсимликлар физиологияси” ўқув фанларидан яратилган компьютер имитацион моделлар олий таълим жараёнига татбиқ этилганлиги, “Ўқув жараёнида компьютер имитацион моделлар” номли монографиядан эса, профессор-ўқитувчилар веб-иловалардан фойдаланиб, ўқитиш технологиялари такомиллаштирилганлиги, компьютер имитацион моделлар воситасида виртуал ресурслардан квалиметрик метод асосида тажриба-синов ишларини амалга оширишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Компьютер имитацион моделлар асосида виртуал ресурслар учун веб-иловалар дастурий таъминотидан фойдаланиш методикаси бўйича қўлга киритилган натижалар асосида:

веб-илованинг дастурий таъминоти “Энг қисқа йўл”, “Кесилган дарахт” каби фрейм технологиялари воситасида ишлаб чиқилган билимлар базаси, назорат саволларига устуворлик бериш асосида такомиллаштирилган таклифлардан “ОТ – Атех -2018-519 “Компьютер имитацион моделлар асосида виртуал ресурслар Web - иловасини дастурий таъминотини яратиш” мавзусидаги лойиҳанинг амалий топшириқларини бажаришда фойдаланилган (Самарқанд давлат чет тиллар институтининг 2021 йил 29 сентябрдаги 2380/3002.01-сон маълумотномаси). Натижада, виртуал ресурслардан веб-илова дастури сифатида фойдаланишнинг назарий ва амалий жиҳатлари аниқланган, табиий фанлар йўналиши бўйича ишлаб чиқилган имитацион моделларни ўқув жараёнига татбиқ этиш сифати ва самарадорлиги ошган;

веб-иловалар дастурий таъминоти тузилмалари (билимлар, берилганлар базалари, педагогнинг шахсий кабинети, талабанинг шахсий кабинети) булутли (GoogleDrive, OneDrive, Dropbox Mega) технологиялар имплементацияси воситасида табиий фанлар йўналишидаги “Одам ва

хайвонлар физиологияси”, “Ўсимликлар физиологияси” ўқув курслари мазмунан такомиллаштирилганлиги юзасидан илмий тавсиялардан “И-2016-4-15 “Кутубхона ресурсларидан мобил алоқа асосида тармоқдан фойдаланишнинг дастурий таъминотини яратиш ва татбиқ этиш (олий таълим муассасалари мисолида)” мавзусидаги амалий лойиҳада белгиланган вазифаларни бажаришда фойдаланилган (Самарқанд давлат чет тиллар институтининг 2021 йил 29 сентябрдаги 2380/3002.01-сон маълумотномаси). Натижада, олий таълим муассасаларининг барча фанларидан виртуал ресурслар яратиш ва улардан ўқув жараёнида фойдаланишни кенг йўлга қўйиш борасида тавсиялар ишлаб чиқилган;

компьютер имитацион моделлардан фойдаланиш бўйича ўтказилган тажриба-синов ишларининг самарадорлигини аниқлашга мўлжалланган квалиметрик методларни қўллаш юзасидан ишлаб чиқилган илмий тавсиялардан “И-2016-4-15 “Кутубхона ресурсларидан мобил алоқа асосида тармоқдан фойдаланишнинг дастурий таъминотини яратиш ва татбиқ этиш (олий таълим муассасалари мисолида)” мавзусидаги амалий лойиҳада белгиланган вазифаларни бажаришда фойдаланилган (Самарқанд давлат чет тиллар институтининг 2021 йил 29 сентябрдаги 2380/3002.01-сон маълумотномаси). Натижада, виртуал ресурсларни ўқув жараёнига татбиқ қилиш имкониятлари кенгайган ва талабаларда мотивацион-қизиқиш ривожлантирилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқотнинг натижалари 8 та, шу жумладан, 4 та республика, 4 та халқаро илмий-амалий конференцияларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий мақола ва тезислар чоп этилган. Шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссиясининг докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 8 та, жумладан, 5 та республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан таркиб топган. Ишнинг умумий ҳажми 113 саҳифани ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида олимлар томонидан ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазибалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ҳамда амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг “Виртуал ресурсларни ўқув жараёнига татбиқ қилишда компьютер имитацион моделлардан фойдаланиш асослари” деб номланган биринчи бобида хорижий ва Республика олимларининг ахборот-коммуникацион технологиялар асосида ўқув жараёнини ташкил этиш борасида олиб борган илмий-тадқиқотлар таҳлили, ўқув жараёнида имитацион моделлардан фойдаланиш турли кўринишларда ўз аксини топганлиги ва ўқув-ўрганиш мобайнида турли кўринишдаги моделлардан фойдаланиб келинганлиги ҳамда виртуал ресурс бу реал объектларни тасвирловчи ва улардан фойдаланиш имкониятини берувчи ресурслар эканлиги таъкидланган.

Хорижий ва МДХ мамлакатларининг олимлари томонидан олиб борилган илмий –тадқиқот ишларларида виртуал ресурслар, веб-сайтлар ва веб-иловалар ўртасидаги асосий фарқлар кўрсатилган. Шулардан бири-интерфаоллик бўлиб бу фойдаланувчи ва веб-саҳифа билан ўзаро таъсирнинг турли даражаларидаги ўзаро алоқасидир.

Илмий-тадқиқот веб-илова дастурий таъминотидан фойдаланиб компьютер имитацион моделлари ёрдамида яратилган виртуал ресурслар асосида олий таълим муассасалари ўқув жараёнини такомиллаштириш масалаларига бағишланганлиги ва веб-иловалар фойдаланувчига веб-сайтдан маълумотни ўқиш, балки уни бошқариш имкониятини яратиши. бундай имкониятни мулоқот сифатида кўриш мумкинлиги ва фойдаланувчилар сайт интерфейси орқали ўзаро алоқада бўлиб, ҳужжатларни юклаш, электрон тўлов, онлайн чат, ва ҳ.к. каби имкониятларга эга бўлиши асосланган.

Бугунги кунда аксарият веб-сайтлар интерактив режимда ишлайди. Фойдаланувчилар учун қулай бўлиш учун сайт муаллифлари сайтларига имконияти кичик бўлган веб-иловаларни қўшадилар.

Веб-сайтлар кўпроқ кўриш, маълумот ўқиш ёки аудио файлларни тинглаш ва веб-иловаларга ташриф буюрувчилар билан алоқада бўлишга қаратилган.

Шуни таъкидлаш лозимки, кейинги вақтларда педагогика йўналишидаги таълим муассасаларида ҳам турли кўринишдаги имитацион моделлардан фойдаланиш борасида илмий ишланмалар яратилмоқда. Компьютер имитацион моделларидан фойдаланишнинг асосий сабабларидан бири объектларга нисбатан жуда ҳам арзон муқобил восита эканлигидадир.

Бу борада компьютер имитацион моделлари асбоб-ускуна ва жиҳозларсиз виртуал ҳолатда бирор бир физик жараённи моделлаштириш асосида виртуал

лабораторияларни ўтказишга имконият яратади. Бу нафақат катта миқдорда маблағларнинг тежалишига, балки экологик тоза муҳитда ва мустақил шуғулланишга имконият яратиши билан афзал эканлигини тасдиқлайди.

Веб-илова ва электрон курслар учун сайт танлашда, биринчи қарашда танлов қилиш жуда қийин. Веб-сайтлар ва веб-иловалар браузерларда ишлаётганлиги сабабли, улар интернетга боғланган бўлиши ва интеграция, интерактивлик ва фойдаланувчи авторизацияси хусусиятлари асосида камраб олинган бўлиши лозим.

Масалан табиий фанлар йўналишида 2001 йилдаги Нобель мукофотининг лауреати К.Виман томонидан «Physics Education Technology» (PhET) сайти яратилган. PhET сайтида ҳар хил мавзуларга оид моделлар мавжуд бўлиб, улар Java ва Macromedia flash дастурларида яратилган.

PhET сайтида тақдим этилаётган моделлар очик таълим ресурслари (Open Education Source) бўлиб, хоҳлаган фойдаланувчи талабалар ундан бепул фойдаланишлари мумкин. PhET даги моделлар сони 100 дан ортиқ бўлиб улар физика, математика, кимё фанларига оид намоёиш тажрибаларини ўтказиш, виртуал лаборатория ишларини ташкиллаштириш ва моделлаштириш имкониятига эга. PhET дастурини <http://phet.colorado.edu> сайтидан кўчириб олиш имконияти мавжуд.

PhET дастуридаги моделлардан физика, математика, химия ва биология фанларидан дарс машғулотларида намоёиш тажрибалари сифатида, виртуал лаборатория машғулотларини ташкиллаштиришда кенг фойдаланиш мумкин.

Компьютер имитацион моделларининг кам миқдорда молиявий маблағлар талаб этмаслиги маълум тадқиқотларни талабалар томонидан такроран қайта-қайта мустақил бажариш имкониятини яратади. Компьютер имитацион моделларидан фойдаланишнинг яна бир афзаллик томони уларнинг хавфсиз эканлигидир. Баъзи тадқиқотларни амалга ошириш инсон ҳаёти учун хавф туғдиради, масалан, ядро физикасига оид бўлган ҳодисаларни ўрганиш. Бундай тадқиқот катта миқдорда молиявий харажат талаб этибгина қолмасдан, тадқиқотчилар ҳаётига хавф туғдириши мумкин.

Компьютер имитацион моделларидан фойдаланиш жараёнида талабалар маъруза вақтида ўрганган билимларини виртуал бўлсада ҳаётга тадбиқ қилишни ўрганадилар. Тадқиқотлар жараёнида билимларини янада мустаҳкамлаш билан бир қаторда назария ҳамда ҳаётий тадқиқотларнинг ривожланишига бевосита хисса қўшиш имконияти яратилади. Бундан ташқари имитацион моделларнинг эментларини ўзгартиришга реал тадқиқотларга яқин натижалар берадиган даражада ёндошишлари мумкин. Бундай имконият талабаларни “тингловчи” вазифасида қолмасдан, бевосита илмий-тадқиқот ишларида ҳамкорликка айлантиради. Натижада талабаларнинг ўқув жараёнига бўлган қизиқишининг ҳамда илмий-тадқиқотларга бўлган иштиёқининг ортишига олиб келади.

Интеграция туфайли веб-иловалардан фойдаланувчилар ҳақидаги маълумотлар автоматик равишда маълумотлар базаси тизимида (МБТ) тўпланади ва сақланади.

Баъзи ҳолларда, сайт муаллифлари ташриф буюрувчиларни кўпроқ шахсийлаштирилган таркиб билан таъминлаш учун МБТ интеграциясидан фойдаланадилар. Аммо, веб-иловалардан фарқли ўлароқ, веб-сайтлар билан бундай интеграция кўшимча функциядир. Ушбу жараён веб-сайт ёки тизимга кириш учун фойдаланувчи маълумотларини киритишни ўз ичига олади. Ушбу хусусият ҳар қандай шахсий маълумотни талаб қиладиган тизимлар учун муҳимдир. Бундан ташқари, ушбу босқичда хавфсизликка алоҳида эътибор бериш талаб этилади. Фойдаланувчиларнинг шахсий маълумотларидан рухсатсиз кириш имкониятини минималлаштириш ҳам алоҳида аҳамият касб этади.

Веб-сайтлардан фарқли ўлароқ, веб-дастурлар кўпинча авторизацияни талаб қилади ва фойдаланувчи талабаларга веб-сайтларга қараганда кўпроқ имкониятларни тақдим этади. Кўпгина сайтларда авторизация мавжуд. Баъзи ҳолларда, рухсатсиз фойдаланувчиларга мавжуд бўлмаган кўшимча функцияларни таъминлашда хизмат қилади. Масалан, рўйхатдан ўтмаган фойдаланувчилар фақат мақолаларни кўриш имкониятига эга бўлсалар, рўйхатдан ўтганлар эса, шарҳ қолдириши, мақолаларни ижтимоий тармоқларда баҳс учун имконият яратиш функциясини бажариши мумкин. Бу эса ўз навбатида, спамни тўсиш, авторизация қилишга кенг йўл очади ва веб-сайтлар учун ҳам, веб-иловалар учун ҳам ҳимояланиш учун зарур бўлган воситалардан бирига айланади.

Таълим жараёнида муваффақиятли комбинация орқали ахборот порталлари ёки онлайн-курсларни яратишда веб-сайт ва веб-иловалардан фойдаланиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан ҳисобланади.

Веб-илова ва электрон курслар учун сайт танлашда, биринчи қарашда танлов қилиш жуда қийин. Веб-сайтлар ва веб-иловалар браузерларда ишлаётганлиги сабабли, улар интернетга боғланган бўлиши ва интеграция, интерактивлик ва фойдаланувчи авторизацияси хусусиятлари асосида қамраб олинган бўлиши лозим.


Диссертацияда олий таълим муассасаларида ўқитиладиган предметлардан компьютер имитацион моделлари асосида виртуал ресурсларнинг веб-илова дастурини яратиш масаласи кўйилган. Тадқиқотнинг асосий мақсади ўқув жараёнида ахборот-коммуникацион технологияларнинг воситаларидан фойдаланиб дарс бериш жараёнининг самарадорлигини ошириш учун янги технологиялар ишлаб чиқишдан иборат. Диссертацияда табиий фанларга тегишли мавзулар буйича компьютер имитацион моделлар асосида виртуал ресурслар яратиш ва ўқув жараёнига жорий этиш методикасини яратиш билан бир қаторда олий таълимда ўқитиладиган бошқа барча предметлардан виртуал ресурслар яратиш методологиясини ишлаб чиқиш долзарб масалалардан ҳисобланади.

Бугунги кунда мультимедиа технологиялари асосида ўқув жараёнини ташкил этиш, талабаларнинг вақтини тежашга, берилаётган мавзуларнинг мазмун-моҳиятини очиб беришга ҳамда уларни мустақил ўрганишга мутлақо бошқача кўринишдаги имконият яратади. Бу деган сўз компьютер имитацион

моделлар асосида яратилган виртуал ресурслардан (мультимедиали электрон ўқув қўлланмалар) фойдаланиб маъруза, амалиёт дарсларини ташкил қилиш имконияти яратилса бир томондан, иккинчи томондан талабаларга қулай, ихтиёрий вақтда билим олиш ва ушбу предметлар буйича масофадан ўқитиш имкониятини яратади. Веб-илова технологиясидан бошқа олий таълим муассасаларининг предметларини ўқитишда ҳам фойдаланиш мумкин.

Олий таълим муассасаларида компьютер имитацион моделлари асосидаги виртуал ресурслар учун веб-илова дастурий таъминотини яратиш ва ўқув жараёнида фойдаланиш учун Республикадаги мавжуд илмий адабиётлар, интернет маълумотлар ва хорижий илмий марказларда чоп этилган илмий нашрлар ўрганиб чиқилди. Жумладан, интернет нашрларида веб-иловалар тушунчаси, уларнинг тузилмаси, элементлари ва моделлари ҳамда яратиш алгоритмлари ўрганилиб, таҳлил этилди.

Компьютер имитацион моделлари асосидаги виртуал ресурслар учун яратилаётган веб-иловалар дастурий таъминотини яратиш учун уларнинг умумий тузилмасига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Бунинг боиси ушбу веб-иловаларни яратишдан мақсад виртуал ресурслар асосида ўқув жараёнининг самарадорлигини оширишга қаратилган. Шунинг учун ушбу веб-илованинг тузилмаси бошқа веб-иловаларга нисбатан мазмун моҳияти нуқтаи-назаридан тубдан фарқ қилади (1-расм).



1-расм. Компьютер имитацион моделлари асосидаги виртуал ресурслар учун яратилаётган веб-илованинг тузилмаси

Веб-илова дастурий таъминотининг тузилмасида маълумотлар базаси, билимлар базаси, сервер технологияси, педагогнинг шахсий кабинети, талабанинг шахсий кабинети ва назорат қилиш механизмлари билан узвий боғланган элементлар камраб олинган.

Веб-илованинг умумий тузилмасида олий таълим ўқув жараёнининг самарадорлигини оширишга қаратилган компьютер имитацион модел (КИМ) асосида яратилган виртуал ресурслардан фойдаланиш технологияси тасвирланган. Тузилмада КИМ асосидаги виртуал ресурслардан фойдаланиш

веб-илова дастури ёрдамида амалга ошириш механизми ёритилган. Шу боис тузилмада билимлар базаси, маълумотлар базаси, талабанинг шахсий кабинети, ўқитувчининг шахсий кабинети, предметлардан компьютер имитацион моделлар жамланмаси, назорат тестлари, предметларнинг электрон нусхалари ва натижаларни таҳлил қилиш элементлари қамраб олинган.

Диссертациянинг **“Компьютер имитацион моделлар асосидаги виртуал ресурсларнинг веб-илова дастуридан фойдаланиб биология йўналишидаги фанларни ўқитиш методикаси”** номли иккинчи бобида компьютер имитацион моделлар асосидаги виртуал лабораториядан фойдаланиш етарли даражада характеристикага эга бўлмаган ҳисоблаш ускуналари ёрдамида фойдаланувчилар учун тажрибалар ўтказишга имконият яратади. Ушбу ёндашув ўқув жараёни учун ҳам, илмий мақсадлар учун ҳам катта қизиқиш уйғотиши, фақатгина тажрибаларнинг индивидуал параметрларини ўзгартиришга имкон берадиган апплетлар ёки компьютер моделларидан фарқли ўлароқ, мультимедиали электрон қўлланмалар ва виртуал лабораторияларда яратилган компьютер имитацион моделлар таҳсил олувчига янада мослашувчан, қулай имкониятларни яратади.

Олий ўқув юртларида ўқитиш усуллари тизимлаштириш катта аҳамиятга эга. Самарали ва оддий тузилган тузилмалар асосида самарали ва қулай бўлган билим ва малака даражаларини эгаллашга имконият яратади. Бундай тузилмалар асосида яратилган виртуал ресурслар ва уларнинг КИМ веб-илова тарзида фойдаланилиши таҳсил олувчиларнинг билим ва кўникмаларини ривожланишига самарали таъсир кўрсатади ва тарбиявий характерга молик бўлган масалалар ечимини топишга ёрдам беради. Шу сабабли, олий таълим ўқув жараёнида кўзда тутилган ўқув курслари учун КИМ асосида виртуал ресурслар яратиш ва улардан веб-илова сифатида фойдаланиш методикасини ишлаб чиқиш муҳим масалалардан ҳисобланади. Тадқиқот мобайнида веб-илова томонидан қўлланиладиган компьютер имитацион моделлари асосида виртуал ресурсларнинг таркибий тузилиши белгиланди ва уларнинг тузилмалари ишлаб чиқилди.

2016-2017, 2017-2018, 2019-2020 ўқув йилларида виртуал ресурсларнинг тузилиши ва алгоритмини расмийлаштириш учун тадқиқот доирасида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган фрейм тузилмасидан фойдаланилди.

Фрейм – бу стереотипли вазиятни ифодалаш учун маълумотларни акс эттирувчи тузилма. Ҳар бир фрейм билан ҳар хил турдаги маълумотлар боғланган. Унинг бир қисми ушбу фреймдан қандай фойдаланишни билдиради, иккинчиси унинг бажарилиши асосида бажариладиган вазифалар, учинчиси агар вазифалар бажарилмаса нима қилиш кераклигини кўрсатади.

Агар, биз фреймларни тугунлар ва улар орасидаги боғланишлар тармоғи, деб ҳисоблайдиган бўлсак, унда фреймнинг "юқори қисми" аниқ белгиланган, чунки улар ҳар доим мўлжалланган вазиятга нисбатан амал қиладиган тушунчалар томонидан шакллантирилади. Қуйи қисмларида оддий мисоллар ёки маълумотлар билан тўлдирилиши керак бўлган кўплаб махсус қирраликлар-терминаллар ёки "ячейкалар" мавжуд.

Тадқиқотда аниқланишича, ҳар бир терминал берилган масалаларни бажариш шартларини ўрнатиши мумкин. Оддий шартлар маркерлар билан белгиланади, масалан, терминалнинг вазифаси ҳар қандай мавзу, ёки мос ўлчамдаги объект ёки маълум турдаги пастки фреймга кўрсатгич бўлиши мумкин. Турли хил терминал фреймларига киритилган тушунчалар ўртасидаги муносабатларни аниқлаш учун янада мураккаб шароитлардан фойдаланилади.

Виртуал ресурсларнинг тузилмаларини фреймлар шаклида белгилаш учун қуйидаги белгилашларни киритамиз:

BD(МБ)- маълумотлар базаси, KNWD(ББ)- билимлар базаси, Web-P (ВЕБИ)-Web илова, SER (СЕР)- Сервер, PCST (ТШК)- Талабанинг шахсий кабинети, PCTCH (ПШК)- педагогнинг шахсий кабинети, TQ (ТҚ)- тест саволлари, LMD (ЎМБ)- ўқув материаллар базаси, KSM (КИМ)- Компьютер имитацион модел, CQ (НС)- назорат саволлари, MOD (МОД)- модель, ALG (АЛГ)- алгоритм, SOFTW (ДТ) – дастурий таъминот, NUMSUBJ (ЎФС)- ўқув фанлар сони

Бундай ҳолда, ҳар бир мавзу бўйича KSM мазмуни қуйидаги фрейм билан белгиланади:

$$KSM_{i,j} = (MOD_k + ALG_k + SOFTW_k) \text{ Бу ерда,}$$

MOD_k , k –нчи имитацион моделлар, ALG_k - k -нчи алгоритм, $SOFTW_k$ – k -нчи алгоритмнинг дастурий таъминоти.

Шундай қилиб, ҳар бир предмет учун –KSM фреймлар тўплами ишлаб чиқилди ва уларни $KSM_{i,j} - \bar{i} = 1, n, \bar{j} = 1, k$ кўринишида белгиладик. Бу ерда $KSM_{i,j}$ – бу, i - нчи KSM, j -нчи предметни билдиради.

Энди қуйидаги белгилашларни киритамиз: $NUMSUBJ_l$ -бу ўқув предметларининг сони бўлиб $\bar{i} = 1, m$. У ҳолда қуйидаги тенглик ўринли бўлади.

$KNWD = (KSM_{i,j} + TQ)$, $BD = (NS_k + CQ)$. $KNWD$ ва BD интеллектуал тизимларнинг асосини ташкил этишини ҳисобга олганда қуйидаги тенглик ўринли. $IS = \{KNWD - BD + TQ + CQ\}$

Энди KSM_k k -чи предметнинг k - мавзуга тегишли KSM. Бу ерда $1, k$ та предметлар мавжуд. Ҳар бир мавзу унинг мазмунига боғлиқ равишда камида 3 та моделдан ташкил топган бўлади. Улар ягона моделга бирлаштирилган бўлиши ҳам мумкин.

Шундай қилиб, $MOD_{e,k,n}$ k -нчи предметга тегишли n -чи мавзуни билдиради. Фрейм $MOD_{e,k,n} - \bar{1}, k$ -предметлар ва $\bar{1}, k$ мавзулардан ташкил топган. $MOD_{e,k,n}$ ни яратиш учун ҳар бир мавзуга тегишли параметрларни аниқлаш лозим. Параметрларни тўпламини d_e деб белгилаймиз. $e - \bar{1}, e$ -бу KSM фреймниг k -чи предметининг параметрларини билдиради. $MOD_{e,k,n}$ ни яратиш учун предметнинг қайси параметрлардан боғлиқ эканлигини аниқлаш лозим. $d_{e,k,l,n}$ – бу $1 - n$ нчи предметнинг k - нчи моделининг e та параметрини билдиради.


Виртуал ресурсларни $VR_i = \bar{1}, n (i = 1, 2, \dots, n)$ деб белгилаймиз. Ўқув режага боғлиқ мутахассисликнинг ҳар бир предмети D кўринишидаги реал

объектлардан ташкил топган бўлиши мумкин. У ҳолда $VR_i \in D$ бу ерда D мутахассислик йўналишлари. У ҳолда қуйидаги тенглик ўринли $VR_i \neq (i = \overline{1, n})$ бўлиб улар D соҳага тегишли бўлиб t вақтга боғлиқ бўлади. .

У ҳолда $VR_i \in D(t)$ кўринишини олади. Энди VR_i виртуал ресурсни D соҳанинг қайси предметга қарашли эканлигини аниқлаш учун унинг аниқ предметга боғлиқлигини аниқлаймиз. Яъни, $VR_i \in NUMSUBJ_i$ бошланлиги сабабли, уларнинг боғлиқлиги қуйидагича аниқланади. $VR_i \in D_i(t)$ ва фрейм $VR_i \in P_j \in D(t)$ бўлиб, фрейм KSM ҳар бир фрейм учун VR_i қуйидагича аниқланади: $KSM \in VR_i \in P_j \in D(t)$.

Шундай қилиб (VebP) веб-дастурларда ишлатиладиган KSM асосида виртуал ресурсларни тавсифлаш учун ҳар хил даражадаги фреймлар ишлатилади. Масалан, семантик жиҳатдан бир-бирига яқин бўлган фреймлар гуруҳлари фрейм тузилмасига бирлашади. Муҳим ҳаракатларнинг натижалари тизим фреймлари орасидаги ўзгариш шаклида тақдим этилади. Бу маълумотларнинг муҳимлиги ва уларнинг қийматини эътиборга олган ҳолда моделлаштириш билан бир қаторда веб-иловаларда фрейм технологиясидан фойдаланиш учун унинг самарадорлигини оширишга имконият яратади.

Тадқиқотда таклиф қилинаётган схемалар, KNWD ва MB фреймларининг "Ўқитувчи танлаган мавзу", "HTML ёки DHTML форматида ўқув курслари бўйича электрон версиялар", "Танланган мавзулар бўйича КИМ ишланмалари" ўзига хос кўринишга эга (2-расм):



2-расм. KNWD ва BD фреймлар стурктураси


Расмда акс эттирилганидек, (VebP) веб-дастурларда ишлатиладиган KSM асосида виртуал ресурсларни тавсифлаш учун ҳар хил даражадаги фреймлар ишлатилади. Масалан, семантик жиҳатдан бир-бирига яқин бўлган фреймлар гуруҳлари фрейм тузилмасига бирлаштирилади. Муҳим ҳаракатларнинг натижалари тизим фреймлари орасидаги ўзгариш шаклида тақдим этилади. Бу маълумотларнинг муҳимлиги ва уларнинг қийматини эътиборга олган ҳолда моделлаштириш билан бир қаторда веб-иловаларда фрейм технологиясидан фойдаланиш асосида таълимнинг самарадорлигини оширишга имконият яратиши асосланган.

Тадқиқотда виртуал ресурсларни ўқув жараёнига татбиқ қилишда “Одам ва ҳайвонлар физиологияси”, “Ўсимликлар физиологияси” ўқув курсларидан компьютер имитацион моделларнинг ишлаб чиқилганлиги акс эттирилган бўлиб, бир қатор мавзуларни қамраб олган.

Тадқиқот даврида КИМ асосида виртуал ресурсларни яратиш ҳар бир фаннинг мазмун моҳиятидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилди. Бунинг учун КИМ яратишга мўлжалланган мавзулар фан ўқитувчиси билан ҳамкорликда танлаб олинди. Мавзуларни мазмунидан келиб чиққан ҳолда уларга мос КИМлар танланди. КИМларни танлашда мавзунинг ички ва ташқи хоссаларини намоён этадиган ва ўз навбатида қисқа мазмундаги КИМлар яратиш асос қилиб олинди. Фан ўқитувчиси билан ҳамкорликда сценарий ишлаб чиқилди. Сценарийда фаннинг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда яратилаётган КИМларнинг умумий тузилмаси ва уларга тегишли маълумотлар базаси танланди.

